



Ўзингни соғиниб келади Наврўз

Тинч ва обод Ватанга ярашар байрам

Наврўз нафаси
Илк баҳор нафаси эсиши билан Наврўзи олам таширидан қалблар қувончга, нурга тўлади. Серку-ёш ўлкамизга ризқ-рўз улашувчи янги кун нашидаси борлиқ узра муаттар сеҳрини ёйиб, жамолга мафтун қилади. Шукроналик ҳиссидан тўқилган дилларда бир калом тақрорланади: «Қутлуг айём — Наврўзга, тинч ва фаровон кунларга етказганимга шукр!»

Эзгулик сари етакловчи Наврўз барчамиз табиат фарзанди эканлигини яна бир бора эслашга мўжиза бўлади. Қишнинг совуқ кунлари ўтиб, байрам соғинчида юрган кўнгиллар Наврўз шодлиғига, сайилига ошқиди. Ёшун қари, каттао кичик, йилит ва қизлар иштирокидаги сайил том маънода тинчлик, хурсандчилик, хушнудлик тимсолига айланади. Яшилликка, илиқликка, демакки, яшариш ва яшашга иштиқ қалбларимизни тўқилантиради.

Наврўз — азал-азалдан меҳр-оқибат, саховат, инсоний фазилатларни намойиш этиш айёмидир. Аждодлардан мерос бу удум истиқбол йилларида қалр топиб, янги тарзда давом этирилмоқда. Йиллар силсиласи



сига бардош берган Наврўз ҳақиқий Қақнус куши мисоли ҳар гал бўҳронларга дуч келганда, янги тарзда мерос бу удум истиқбол йилларида қалр топиб, янги тарзда давом этирилмоқда. Йиллар силсиласи

ни жонлантириб қайтадан сайдиқ топишга ҳисса қўшган шодлиғани бугунгидек юртимиз бўйлаб оммабоп тарзда ўтказилишини кишиларимиз жуда озиқиб кутган эди. Бани башар ҳамини та-

бият билан уйғунликка яшайди. Янгилигини фаслида умид, ишонч куртак очиб, гўзаллик сари етаклайди. Шижоатга бой куч-ғайрат туйғулари жўш уриб, янгиликлар томон чорловчи бу мавсум кишидаги

мавжуд иқтидорни юзга чиқаришга замин яратлади. Шу боис, бўлса керак, инсон умрининг энг гуллаган даврини баҳорга қиёслашди.

ШУКУХ > [6]

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири

Богбон юртим

Баҳорни билмаган элларни кўрдим,
Бир чечак қулмаган ерларни кўрдим.
Ўзингни соғиниб келади Наврўз,
Кафтинга кўз сурай, деҳқоним, юртим,
Ўзингдан ўргилай, богбоним, юртим.

Чучмома чайқалиб чалар кўнғироқ,
Ҳаёт ҳидин сочар уйғонган тупроқ,
Илдиз сувратини чизди чақмоқ,
Кафтинга кўз сурай, деҳқоним, юртим,
Ўзингдан ўргилай, богбоним, юртим.

Меҳмонни чорлайди сумалакларинг,
Қизларинг бойлайди жамалакларинг,
Саодатга кўприк камалакларинг,
Кафтинга кўз сурай, деҳқоним, юртим,
Ўзингдан ўргилай, богбоним, юртим.

Эй, кафти қадоғу, кўнгли юмшоқ эл,
Кўшда қорайган, юраги оқ эл,
Дуога қўл очган, тилаги оқ эл,
Кафтинга кўз сурай, деҳқоним, юртим,
Ўзингдан ўргилай, богбоним, юртим.

Муқаддас еринг бор, соф осмон бор,
Суянган тоғинг бор, дилда имон бор.
Улуғ боғистонга буюк богбон бор,
Кафтинга кўз сурай, деҳқоним, юртим,
Ўзингдан ўргилай, богбоним, юртим.

Ҳамалнинг етти ҳикмати

Ҳижрий йил ҳисобининг биринчи ойи ҳисобланган ҳамалнинг бошлангани амалдаги тақвимга кўра 21 мартда тўғри келади. Ҳамал ойининг етти ҳикмати бор.

Биринчи ҳикमत: ислом дунёсида ҳамалнинг биринчи кунин Наврўз байрамга тўғри келади, қутлуг, қувончли, шарафли айёмни бошлаб келади.

Иккинчи ҳикमत: ҳамални бошлаб келган Наврўзи олам қиш уйқусида ётган замин, дов-даракларни уйғотиб, гуллаш, яшнаш палласидан даллат беради.

Учинчи ҳикमत: Наврўз сўзи «Янги кун» маъносини ифодалаб, баҳор фасли бошланганини билдиради, яратишга, бунёдкорликка ундайди.

Тўртинчи ҳикमत: Одамларнинг ёшига бир ёш қўшилади. Шунинг учун ҳам «Фалон баҳорни кўрди», деган гап бор. Эътибор берган бўлсангиз, ҳеч қачон «Фалон кишини ёки кунни кўрди», деб айтилмайди. «Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор» ибораси ҳам айнан Наврўзга нисбатлир.

Бешинчи ҳикमत: деҳқонлар учун чинакам зироат фасли бошланади. Сайилларда деҳқонларга омад тилаб, «Наврўз мўл-қўл насиба келтирсин», деб дуо ўқилади.

Олтинчи ҳикमत: баҳорда ишларга қанчалик мустаҳкам, пухта замин яратилса, кўз хирмони шунчалик баракали бўлади. «Ҳамал келди — амал келди», деган ибора шундан келиб чиққан.

Еттинчи ҳикमत: шифобахш, дармонбахш, тансиқ кўк барак, кўк сомса каби кўктам таомларни истеъмол қилиниб, улар йил бўйи танларга қувват олади.

Ҳамал ҳикматлари ҳаётингизга ҳамроҳ бўлсин!

У.САКСОНБОВ

ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ



Айримлар халқ тилга буйсунади, деб ўйлайди. Аксинча, тил халққа буйин эгди. Шундай бўлмаганида эди, она тилимиздаги талай арабча ёки форсча сўзлар ўз «макон»идаги маъноларидан бошқача луғавий бўёқлар касб этмаган бўлур эди.

ИЖТИМОЙ ҲАЁТ > [2]

14-15 март кунлари мамлакатимизда умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтди

ЭЛНИ КЕЗГАН ЭЗГУЛИК

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 мартдаги фармойишига мувофиқ, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий ҳамкорлик, беғараз ёрдам ва меҳр-оқибат каби миллий қадриятларимизга хос эзгу фазилатларни янада юксалтириш, аҳоли турар-жойларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, республикадаги санитария-эпидемиологик ҳолатни яхшилаш ҳамда Наврўз байрамини нишонлашга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида 14-15 март кунлари мамлакатимизда умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди.

Икки кун давомида ҳашарчилар томонидан 30 минг гектар майдонда ободонлаштириш ишлари бажарилди, 21 минг километр узунликдаги ариқ-зовулар ва лотоклар тозаланиб, сув йўллари раволаштирилди. Ҳашар давомида кам таъминланган, кўп фарзандали оилаларга, етим-есирларга, ногиронларга 570 миллион сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилиб, эҳтиёжмад оилаларнинг 334 минг квадрат метр турар-жойлари таъмирлаб берилгани кутилган самарга эришилганидан далолатлир.

Қуйда жойларда бўлиб ўтган ҳашарлар натижалари билан танишасиз:

Қорақалпоғистон Республикаси

Ота-боболаримиз азалдан Наврўз — умумхалқ байрами арафасида ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида аҳамият қаратган. Чунинчи, ана шу қадрият ҳар йилги анъанага мувофиқ, умумхалқ хайрия ҳашарларида ўз ифодасини топмоқда.

Хайрия ҳашари иштирокчилари қишлоқ, овул ҳамда маҳаллалар худудларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида ҳисса қўшди. Ҳашарчилар томонидан экилган 89 минг туп меваги, 175 минг туп манзарали дарахт ниҳоллари келгусида худудда экологик вазиятни яхшилашга ўз самарасини беради, албатта.

Саодат БЕРДИЕВА

Андижон вилояти

Қўрғонтепа туманидаги «Эшонбой» маҳалласи аҳли ҳашарни кўтаринки руҳда ўтказди. Ҳашар кунлари маҳаллада истиқомат қилувчи 3 минг нафардан зиёд аҳоли уммининг ишига бош қўшди. Шунингдек, маҳалла худудда бунёд этилган «Оталар чойхонаси» айнан шу кунни иш бошлади.

Чойхона биносининг қурилишида Қамбарали Тухтабоев, Тожибой Қорабоев ва бошқалар ҳомийлик қилди, — деди маҳалла оқсоқоли Шокиржон Тожибоев. — Эндиликда чойхона биносининг қурилиши маънавият хонаси, чеварчилик тўғрисида радио-телевизор апаратурини тўзатадиган устaxonа ташкил этишни режалаштириб турибмиз.

Узоқбой САКСОНБОВ,
«Mahalla» мухбири.

Бухоро вилояти

Эрта тонда кўлига икки туп дарахт кўчати ва белкуррак олиб ҳашарга отланган Аминжон отага уч нафар набираси ҳам эргашди. Улар Ғийдувон туманидаги табаррук қадимжон — Абдухалиқ Ғийдувоний зиратгоҳига етиб боришганда бу ерда хайрли талбирни қурлишга эдиққанга ўтказишга ўз ҳиссасини қўшиш ниятида бўлган юзлаб маҳалладошлари йиғилган эди. Шу кунни хиббонинг ён-атрофи тозаланди, йўлақлар ободонлаштирилди, кўча бўйларига манзарали ва меваги дарахт ниҳоллари ўтказилди.

Бу йилги ҳашарда Шофирқон туманидаги «Хорун» маҳалласи биноси қуриб битказилди.

Ҳамроз АЛИ,
«Mahalla» мухбири.

ИЖТИМОЙ ҲАЁТ > [2]

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

ШАҲЗОД — ФАОЛ АСКАР

Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 6 январда қабул қилинган қарорига мувофиқ Андижон вилоятининг Олтинқўл туман мулофаз ишлари бўлими томонидан муқаддас ҳарбий хизматга қабул қилинган Шаҳзод Файзуллаев айни пайтда пойтахтимизда жойлашган ҳарбий қисмлардан бирида кўплаб сафдошлари қаторида ўз ҳарбий билим ва қўнғимасини оширмоқда. Командирларнинг айтишича, у армия ҳаётига тез ўрганган. Бу Шаҳзоднинг армия ҳақида яхши тасаввурга эга бўлгани, муқаддас ҳарбий хизматга жиддий тайёргарлик кўргани самарасидир. Ҳарбий

машгулотларни ўзлаштиришда сафдошларига ҳар жиҳатдан ўрнак бўлаётган бу йилит яқинда отиш бўйича ўтказилган машқда нишонга энг кўп урган аскарлар қаторидан жой олди.

— Юртбошимиз томонидан биз, ёшлар камолотига берилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрликка жавобан ўқиш, иш ва хизматда янада фаол бўлишимиз зарур, — дейди Ш.Файзуллаев. — Қисмимизда назарий машгулотларнинг амалиёт билан уйғун ҳолда олиб борилаётгани ҳарбий билимни тез ва пухта ўрганишимизга қўл келаятир.

Ш.Файзуллаев хизмат қилаётган ҳарбий қисмда ас-

карлар учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Саф тайёргарлиги, отиш ва спорт майдончалари барча талабларга жавоб беради. Машгулотлар ўтказиладиган синфхоналар, ётоқхона ва ошхонада ҳам аскарлар учун кўплаб қулайликлар мўжайе этилган.

Ёш аскарларнинг тайёргарлиги тажрибали офицер ва кичик командирларнинг жалб этилгани ўқув-жанговар машгулотларнинг сифатли ўтишини таъминламоқда. Бу эса Куролли Кучларимиз шахсий таркибини билимли, жисмонан бақувват ва соғлом йилитлар билан тўлдирришга хизмат қилаёттир.

Х.САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири.

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

ТОМОРҚА — МЎЛ-КЎЛЧИЛИК МАНБАИ

Ундан тадбиркорлик асосида оқилона фойдаланилса, дастурхонимиз тўкин-сочин, оиламизни иқтисоди бақувват бўлади.

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили, деб эълон қилинганидан кўзланган мақсад қишлоқларимиз ободлиги, қўрқамлигини таъминлаш, қишлоқ аҳлининг маданий савиясини юксалтириш, аҳолининг турмуш шароитларини тубдан яхшилашдир. Бу борада аҳолининг шахсий ва дала томорқаларидан самарали ҳамда мақсадли фойдаланиши қишлоқларимиз тараққиёти ва фаровонлиги йилидаги асосий омиллардан биридир. Зеро, томорқасидан унумли фойдаланадиган оиланинг иқтисоди бақувват бўлиши тайин.

«Томорқа» сўзи луғатимизда: «Фуқаролар яшайдиган қўрғонлари олдиди улар ихтиёрига берилган ер майдони», деб талқин этилган. Аждодларимиз азал-азалдан томорқаларига меҳр билан қараб, уни оиланинг иқтисодий манфаатларини ҳал қилишда етакчи восита санаганлар. Шу



боис, томорқаларга ишлов берилиб, ундан самарали фойдаланган оилаларнинг оморборлиги донга, дастурхонларини нонга, мева-сабзавотларга тўла бўлган.

Бугун Бухоро вилоятидаги 320572 та хўжалик ихтиё-

рига 58279 гектар томорқа майдони ажратилган. Унинг 41839 гектарини экин майдонлари ташкил қилади. Бу эса, ҳар бир хўжаликка ўртача 0,18 гектардан тўғри келади, дегани.

ИЖТИМОЙ ҲАЁТ > [2]

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди, унда шу йил 27 мартда ўтказиш мўлжалланаётган Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисига тайёргарлик жараёни кўриб чиқилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига Инқирозга қарши чораларнинг 2009—2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъулиги тўғрисидаги масалани ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бир қанча қонуларини киритиш режалаштирилмоқда.

Улар орасида жумладан «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолияти тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонулар бор. «Стандартиштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги, «Почта алоқаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги, «Суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги назомга ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги ва бошқа бир қанча қонулар ҳам

кўриб чиқилди. Шу билан бирга Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2008 йилда давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари томонидан қонуларнинг ижро этилиши ҳолати тўғрисидаги ахборотини, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиш ҳамда муҳокама қилиш мўлжалланмоқда. Шунингдек, Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳамда Сенат ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Парламент юқори палатасининг Кенгашида Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва Сенат Девонининг навбатдаги ялпи мажлисига тайёргарлик тўғрисидаги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бўлажак ялпи мажлиси кун тартибига киритиш мўлжалланган масалаларни ўрганиш юзасидан марказда ва жойларда олиб борилаётган тайёргарлик ишларига оид ахборотлари кўриб чиқилди.

Кенгаш мажлисида сенаторлар, манфаатдор илора ва ташкилотларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

МЕҲНАТ ВА РАҒБАТ

Фаолларимиз

ЭЛ ХИЗМАТИ ҲОРИТМАС

“Маҳалла” жамғармасининг Пайариқ тумани бўлини раис Сайдулла ака Бойзоқов тунги ҳадик билан қарши олди. Ҳафта-ун кундан бери ёғатган ёмғир туфайли сел келиб, тоғ ёнбағридаги йўллари, кўприкларни бузиб кетмадикини, сайхонликдаги қишлоқлар тинчлигини, деган ўйда эрта саҳардан “Накурт” маҳалласи томон йўлга тушди.

20-30 чақирим йўл босди. Шукр, ҳаммаёқ тинч экан. Кўнгли таскин топиб, ёриша бошлаган тоғ чўққиларига боқди. Кўёнинг заррин нурлари, кўй-қўзларнинг маъраши осуда, файзли кун бошланганидан дарак берарди.

Сайдулла ака ишни эрта бошлашда ҳосият қўлигини яхши билади. Шунинг учун эрта тонгдан эл хизматиға киришиб, кун алоҳида қилган ишларини сарҳисоб этади.

Хонасига кирганимизда раиснинг нигоҳидан қайгадир шошаётгани билганиб турарди. Биз билан бироз сўбатлашчак, Яхшигул Миклибосова хонадонидан хабар олиши кераклигини айтиди. Утган йили фалокат юз бериб, уйи ёниб кетган бу оиланинг бугунги аҳволдан хабар олмоқчи экан. Биз ҳам раисга ҳамроҳлик қилдик. Хонадон аъзолари бошларига оғир кун тушганида маҳаллошлари, “Маҳалла” жамғармасининг туман бўлини масъулари ёлғизлаштириб қўймаганидан миннатдор

эканликларини айтишди. — Пайариқ туманининг географик жойлашуви, ери, иклими ўзига хос, — дейди Сайдулла ака. — Худудимиз асосан деҳқончилик, боғдорчиликка қулай. Тупроғи серунум, сув сероб. Қир-адирлар, тоғ ёнбағрилари эса ламми деҳқончилик, чорвачиликка мос. Шу боис, тумандаги 63 та маҳалланинг бирида савло-сотик, бошқасида деҳқончилик ривожланган. Бугун қишлоқларда тиббий, маиший хизматни йўлга қўйиш, спортни ривожлантириш ва бошқа соҳаларда салмоқли ишлар қилинмоқда.

Раис Яхшигул опаниқидан бўлининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари буйича бош

Эрта тонгдан кечга қадар тиним билмаган, етмиш ёшли раиснинг йигитларга хос ғайрати, эртанги кунга ишончи, орзу умидларига ҳавас қилдик.

маслаҳатчиси Ойлар Сахсоновага кўнгирак қилиб, маҳаллаларда Наврўз байрамига тайёргарлик қандай кетаётгани билан қўнқиди. Байрам арафасида барча кам таъминланган оилалар ва ногиронлар ҳолидан хабар олиш кераклигини ўқтирди.

Маҳаллаларни айланиб, ободончилик ишларини кузатарганимиз, раис бўлинига коммунал тўловларни йиғиш бора-расида ташаббус билан чиқиб, яхшигина тажриба орттирганни гапириб қолди: — Белгиланган келишувга

Самарқанд вилояти

кўра, йиғилган пулнинг беш фоизи маҳалла ҳисоб рақамига ўтказилади. — дейди у. — Бу маблағ маҳаллалар ободончилиги йўлида сарфланади. 2007 йилда кўрган фойдамиз ҳисобидан барча маҳаллаларга компьютер жамланмаси олиб бердик. Мустақиллик, Наврўз сингари байрамларнинг ҳар бирида 200 дан ортиқ оилаларга совға-саломлар улаштириш аънамага айланиб қолди.

Шундан сўнг Челақ шаҳридаги касб-ҳунар коллежига ташриф буюрдик.

— Ёшларимиз билимли, шижоатли, — дейди раис. — Улар билан учрашиб, кўп нарсани ўрганаем. Қўзларда қатъият, келажакка интилиш бор. Сўхбатлашганда уларда яшашга чанқоқлик ҳисси менга ҳам юқди, бундан ўз ичимга маъсулятият ортади.

Учрашувда ўқувчилар ўз маҳаллалари тарихи ҳақида гапириб беришди. Чунончи, “Эшмонсоқ” қишлоғи номи

Эшим оқсоқ лақаби тарихий шахс номи билан боғлиқ эканлигини билди олдик. Вақтимиз мазмунли ўтди.

Туман марказига қайтарганимиз, Сайдулла ака газ ва электр энергияси масаласида тегишли идораларга бирров кириб чиқиши лозимлигини айтиб, уэр сўради.

Эрта тонгдан кечга қадар тиним билмаган, етмиш ёшли раиснинг йигитларга хос ғайрати, эртанги кунга ишончи, орзу умидларига ҳавас қилдик.

Ўқтам ҚУРБОНОВ, “Mahalla” мухбири.

ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ ЙЎЛИДА

Тошкент шаҳри ҳудудда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, салбий оқибатларни бартараф этиш ва бундай пайтларда аҳолини тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш мақсадига Фавқулодда вазиятлар вазирилик Тошкент шаҳар бошқармаси “Аҳоли ва раҳбарият тарқибини тайёрлаш маркази” томонидан бир қатор ишлар амалга оширилади.

Хусусан, пойтахт ҳудудиданги корхона, муассаса, ташкилотларда алоҳида гуруҳлар тузилиб, 15 соатлик дастур асосида машғулотлар олиб боришмоқда. Шунингдек, аҳолининг иш билан банд бўлмаган тоифалари билан яшаш жойларида, маҳалла фуқаролар йиғини ва уй-жой

мулкдорлари ширкатларида ўтказилаётган сўхбат, учрашув, маърузалар ҳам фуқаролар муҳофазасига қаратилган.

— Маҳаллаларда изчил равишда фуқаролар билан машғулотлар олиб боришга, уларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатишга интиламиз, — дейди Фавқулодда вазиятлар вазирилик Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим бошлиғи, подполковник Элдор Орипов. — Хусусан, “Маҳалла” жамғармасининг Миробод тумани бўлини масъулари ҳамда Шайхонтоҳур туманидаги “Сузуқ Ота”, “Илғор”, Чиланзор туманидаги “Чарх Камолон”, Ҳамза туманидаги “Тарновбоши” маҳаллаларида аҳоли билан “Табий ва техноген тусдаги фавқулодда вазият-

ларда тўғри ҳаракат қилиш” мавзусида машғулотлар ўтказилди. Ушбу табириларда ҳудудда истиқомат қилувчи қариялар, аёллар ва болалар фаол иштирок этишди. Ҳозирда “Фуқаро муҳофазаси” бурчаклари ва маслаҳатхоналарни ташкил қилишда маҳаллалар билан ҳамкорликда ишлар олиб боришмоқда.

Туриги хил ҳолатларда жабрланганларга тезкор ёрдам кўрсатиш янада яхшилаш мақсадида бошқарманинг Авария-қутқарув отряди ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги тасарруфидаги 050 “Қутқарув хизмати”нинг махсус қутқарув асбоб-ускуналари кўргазмаси ташкил этилди.

Азамат СУЙОНОВ

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Халқимиз азиздан Наврўз байрамини энг эзу қадрият ва анганалар ифодаси сифатида ардоқлаб келтилади. Бу байрам тинчликда фақат табиатнинг беқисс кўрқу таровати, яниганиш ва яшариш акс этибгина қолмай, балки асрлар давомида яшб, кўрға ва ҳақиқат навқиронлик касб этиб келатган халқимизнинг муқаддас тафиси ва эштиқоти мурқассамидир. Шу маънода

Наврўз — бизнинг ўзимиз, эзу тилак ва умидларга йўнрилган қалб кўзимиздир. Кунин кела барфа юртдошларимиз қишлоқ ва шаҳар маҳаллаларида, кузар ва зиёбонларда, кўрғинлик, аҳали яшайдиган масканларда ўтказилган умривасал, ҳаширида фаол иштирок этиб, мурувват ва савоат фазилатларини намойи қилди. Шубҳа йўқки, Наврўз олдидан маъқур ҳаёти таратқуд иқтисодий ифтидорлик, берафиз ёрдам ва меҳр-оқибат каби миллий қадриятларимизга хос эзу фазилатларини юксалтиришга, қишлоқ ва маҳаллаларимиз кўёфасини янада ўзгаллаштиришга, аҳиллик ва ҳамжамиятчиликнинг мустаҳкамлашга, энг асосийси, енг авлод онинда она-Ватанимизга муҳаббат ва садоқат туғилуларини шакллантиришга хизмат қилади.

Шундай қутлуғ айём арафасида Сиз, азизларни муборакбод этишдан ғоятда бахтиёрмиз. Наврўз элимизга қут-барака келтирсин! Ризқимиз мўл, дастурхонимиз тўкин бўлсин. Юртимиз янада обод, ҳаётимиз бундан-да фаровон, Мустақиллигимиз абадий бўлсин.



«Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви Раёсати

ТИББИЙ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ



Фарғона вилоятининг Бувайда туманида бугунги кунда 25 та қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатмоқда. Мазкур саломатлик масканлари энг замонавий тиббий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган. Жалаер қишлоқ врачлик пункти ҳам “Саломатлик-1” лойиҳаси асосида тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Айни кунда мазкур тиббиёт маскани Жалаер, Жайдали ва Далатўп қишлоқларнинг 6100 нафардан ортиқ аҳолисига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. СУРАТДА: Жалаер қишлоқ врачлик пункти ҳамшираси Феруза Ҳамроқуллова она ва бола билан сўхбат чоғида. М.Қодиров (ЎЗА) олган сурат

Энг намунали милиция таянч пункти

Наманган вилояти

“ҲАРАКАТ ВА МЕҲНАТ — ЮТУҚЛАРИМ ОМИЛИ”

Хонадон соҳиби профилактика нозирини кулиб қарши олди: — Келинг, командир. Профилактика нозир Ҳакимжон кўришиб, келишидан мақсадини айтди: — Маҳаллани айланиб юргандим, хол-аҳвол сўраб, сўхбатингизни олиб кетай дедим-да...

У ҳовлини кўздан кечириб, том устидаги хашак, ўтинларни бошқа жойга кўчиришни, чиқиндилар ерга қўмиб ташлаша, унумдорлик ошишини, атроф-муҳит саранжом-сарийша бўлишини айтди. Улар дастурхон атрафида ўсмирлар тарбияси, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, ёнғин хавфсизлигидан тортиб, ҳудуддаги айрим муаммоларга сўхбатлашди. Гурунғ асосида нозир бу оилاداги маънавий муҳитни чуқурроқ ўрганди. Сўнгра кўнгли хотиржам тортиб, ўрнидан кўзгалди.

Милиция таянч пункти нозир Ҳакимжон Аҳмаджонов қайси хонадонга бормасин, уни самимий, очиқ чеҳра билан кутиб олишади, одамлар дилидаги гапларини ундан яширишмайди. Дарвоқе, айрим оилавий можаролар, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари маҳалланинг ўзида, бевосита профилактика нозир иштирокида ҳал этилаётгани фуқароларнинг унга хурмати ва ишончини оширмоқда.

“Ҳўжақишлоқ” маҳалла гузарига кўрк бағишлаб турган икки қаватли бино зарур техника ва алоқа воситалари билан жиҳозланган, деворларига касбни сўққилдан бажаришга, огоҳликка ундовчи шиорлар илиб қўйилган. Бу ерда профилактика нозир, маҳалла посбони, паспорт, тергов, ёнғин хавфсизлиги ҳамда йўл ҳаракати хизмати ходимлари учун алоҳида хоналар ажратилган. Ходимлар вақт-вақти билан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришади, йўл қўйилган нуқсонларни бартараф этиш юзасидан тегишли кўрсатмалар беришади. Бу чора-тадбирлар ҳудудда осийишталикни таъминлашда, жиноятчиликни қаматиришда асосий омили бўлаёттир.

Йиғинда вояга етмаган ёшларнинг буш вақтини мазмунли ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, М.Абдуллаева бошчилигидаги ёшлар ижтимоий марказининг тивувчилик тўғрисида 65 нафар қиз, компьютер саводхонлиги тўғрисида

38 нафар ўғил бола касб ўрганмоқда. Талбиркорлар К.Турдиев, У.Иловоддиновлар томонидан ишга туширилган дуррадорлик, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устаноналарида 83 нафар ёш меҳнат қилляпти.

— Ҳозирги кунда туманимизда 30 та милиция таянч пункти фаолият юртияпти, — дейди Наманган туман ички ишлар бўлим бошлиғи ўринбосари, милиция майори Мурхаммаджон Зокиров. — Осийишталик посбонлари жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш борасида тинимсиз изланишаёттир. “Ҳўжақишлоқ” маҳалласида жойлашган 3-милиция таянч пункти фаолияти, айниқса, таҳсинга лойиқ.

Дарҳақиқат, профилактика нозир Ҳ.Аҳмаджонов билимли, эл билан тез тил топишадиган йигит. У нозирлик қилаётган “Ҳўжақишлоқ” маҳалласига хизмат кўрсатувчи милиция таянч пункти ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилик, Халқ таълими вазирилик, “Маҳалла” жамғармаси республика бошқаруви ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашининг қўшма қарори асосида ўтказилган “Энг намунали милиция таянч пункти” кўрик-танловининг республика босқичида 1-ўринни эгаллаб, “Матиз” автомашинаси билан тақдирланди.

— Таянч пунктимиз фаолиятини ўрганиш мақсадида қўшни вилоятлар, бир қатор туманлардан ҳамкасбларим келишди, — дейди нозир Ҳ.Аҳмаджонов. — Улар иш тажрибамиз ҳақида сўрашди. Албатта, зарур шарт-шароитлар муҳайё бўлганда, сиздан фақат ҳаракат ва меҳнат талаб этилади, деймиш уларга. Фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг кўнглига йўл топишга, уларнинг ишончини қозонишга, бандликка қумаклашишга фаол киришганим эришган ютуқларимнинг бош омили бўлгани рост. Фаолиятим эътироф этилганидан эса, ниҳоятда мамнунман.

Мирзадавлат ЮНУСОВ, “Mahalla” мухбири.

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Давлат-тижорат «Халқ банки»нинг Сурхондарё вилоят бошқармаси жамоаси барча юртдошларимизни кириб келаётган НАВРЎЗИ ОЛАМ — яшариш, янгилиниш айёми билан самимий қутлайди! Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили янада серҳосил келиб, хирмонлар сарбаланд, дастурхонлар тўкин-сочин бўлсин!



Ҳар бир хонадонда тўйлар бўлсин, Ватанимиз бундан-да гуллаб яшасин!

G'allabank

Барча юртдошларимизни, ўз акциядорлари ва мижозларини янгилиниш ва эзгулик рамзи бўлиши Наврўз айёми билан самимий муборакбод этади! Сизларга мустаҳкам соғлиқ, хонадонингизга файзу барака, тинчлик-хотиржамлик, ишларингизда омад тилаган ҳолда, қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади:

- «БОНУС» — омонат муддати — 1 йил, йиллик 25 % миқдорида устама фоиз ҳисобланади ва ҳар ой якуни бўйича тўлаб борилади. Омонат муддати тугагандан сўнг қўшимча 2 % бонус тўлаб берилади.
- «ТАРАҚҚИЁТ» — омонат муддати — 3 ой, йиллик 26 % миқдорида устама фоиз ҳисобланади ва ҳар ой якуни бўйича тўлаб борилади.
- «БУНЁДҚОР» — омонат муддати — 1 ой, йиллик 25 % миқдорида устама фоиз ҳисобланади ва омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.

Депозит ҳисобварақлардаги омонатлар суммаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ — 4057 сонли «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ тўлиқ кафолатланади. Омонатларга маблағлар Галлабанкнинг барча филиалларида қабул қилинади.


Галлабанк хонадонингизга барака келтирсин!
Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 233-71-72, 236-14-17
www.gallabank.com

БАЙРАМ ТАБРИКЛАРИ

«МАКНАТ КУСН»

масъулматни текланган жамияти аъзолари
юртимиз аҳли ва меҳмонларини меҳр-оқибат,
мурувват ҳақида саховат раҳли —
НАВРЎ айёми билан салимий
муборакбод этади!

Авузлар, хонадонимизни тинчлик-
хотиржамлик, дастурхонимизни кут-барака,
қалбимизни кувонч ҳел қалон тарк этмасин.



Жасрий Қилимоқ
таракқиёти ва фаровонлиги
иймида жонажон
Ўзбекистонимиз шаҳар ва
қилимоқлари бундан-да обод
ва фаровонлашмаверсин!

«МАКНАТ КУСН»

«МАХАЛЛА» жамъиатинини

Наврий вилоятти бўлми
жамоаси бағра юрпидошларимизни юзгаллик
ва нафосат, эзгулик ва меҳрибонлик байрами
билан йил дилдан кутлайди.
Яшариш фасти — Баҳор
маҳаллаларимизда тинчлик, пўқимлик,
элимизда бахт-саодат олиб келсин!
Дилларимиздан меҳр-оқибат
ҳел қалон афмасин.



Наврўзингиз муборак бўлсин!

«БАҲОР»ДА НАВРЎ ФАЙЗИ

Миробод туманидаги «Баҳор» маҳалласи кейинги пайтларда янада чирой очиб, гуллаб-яшнамоқда. Бойси, ҳар ишда «Етти улчаб, бир кес» мақолига амал қиладиган маҳалла оқсоқоли Муродхон Раҳматовнинг сазй-ҳаракатлари билан бугун йигин ҳаётининг барча жабҳалари тўлиқ қамраб олинган. Фуқаролар ишончини қозониш учун оқсоқол ҳалол ва ишбилармон бўлиши даркор, дейди у.



Дарҳақиқат, йигин раиси амал қиладиган бундай ибратли сўзлар ҳар бир оқсоқолга, фуқаролар йигинларининг барча ходимларига тегишлидир. Йигиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулчехра Сиддиқова, посбонлар сардори Очил Пардаев ва профилактика нозири Баҳодир Эшметовлар томонидан ўтказилган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида аҳоли ўртасида ўзаро меҳр-оқибат, бирдамлик туйғулари тобора мустаҳкамланмоқда. Шу йилнинг 14-15 март кунлари ўтказилган ҳашарда маҳал-

Тошкент шаҳри

ла аҳли бир ёқадан бош чиқариб, яқдил иштирок этгани бунинг исботидир.

— Айни пайтда Наврўз умумхалқ байрамини кўтаринки руҳда кутиб олишга қизғин ҳозирлик кўряпмиз, — дейди фуқаролар йигини раиси М.Раҳматов. — Айём арафасида ҳудудимиздаги кам таъминланган, қария ва ногирон инсонлар ҳолидан хабар олиб, уларга байрам совғаларини улашиш ниятидамиз. Ушбу тадбирларни ташкил этишда маҳалламиз фаоллари, хусусан, йигин котибаси Маҳфуза Эгамбердиева жонбозлик кўрсатмоқда.

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ,
«Mahalla» муҳбири.

Давлат-тижорат «Халқ банки»нинг

Бойсун тумани бўлими жамоаси мурувватли ва меҳмондўст халқимизни эзгаллик ва нафосат байрами — Наврўз айёми билан салимий кутлайди.
Баҳорий кайфият доимий ҳаётимиз бўлсин!



Муҳтарам ватандошлар!

Сиз азиизларни тинчлик ва осойишталик, тўқимчи, яшариш тинчсоти — Наврўзи олам билан муборакбод этамиз. Табиатда ва инсон фўрқиятида ушбу пайтда бағра нафса яниланади. Ниятимиз улғу ва азииз Ўзбекистонимиз шону шавкатли тоғлар каби юксалаверсин!

Самарқанддаги «ОҚ ОЛТИН» корхонасинини аҳли жамоаси бағранимизга ҳуши кайфият, узок умр, Ватанимиз фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларимизга муваффақиятлар тилайди.



ХОНАДОН ОЗОДАЛИГИ ҚАЛБ ТОЗАЛИГИДАН

— Наврўз нафақат табиатнинг уйғониш палласи, балки инсонларнинг бир-бирига бўлаган меҳр-муҳаббатини, қадр-қимматини оширувчи ажойиб айём ҳамдир, — дейди Хива тумани Дошқўқ қишлоғидаги «Гулшан» маҳалласи оқсоқоли Отаберди Ёқубов.

— Шунинг учун ҳам Наврўзи «Аҳиллик айёми», деб атагим келади. Маҳалламизда 1100 оила истиқомат қилади. Қўчаларни, йўлларни, ҳовлиларни, боғларимизни обод, ораста қилдик. Отаназар Матёқубов, Сейдим Сафоев, Маҳмуджон Раззоқов каби фахрийларимиз қимматли фикрлари, маслаҳатлари билан ёшларга дада бериб, уларни илм олишга, касбуналар урганишга чорлаётимиз. Байрам тадбирларига ҳам улар бош-қош бўлишмоқда.

«Тоза уйнинг озода эшигини ризқ-насиба ўзи қўқиб келади. Кимнинг уйи, эшиги тоза бўлса, шу кишининг хулқи, фикри ҳам тоза бўлади». «Тоза-боғ» маҳалла фуқаролар йигини раиси Иноят Отабоев ҳадиси шарифдаги бу баёжо, ибратли сўзларни тилга олар экан, байрамолди ҳашарини уюшқоқлик билан ўтказилганлигини таъкидлади. «Фақат байрамлар арафаси эмас, ҳақиқат озодалик, орасталлик эътиборимизда», деди у.

Маҳаллада айни Наврўз байрами кунини моддий малалга муҳтож бешта оилада суннат, битта оилада никоҳ тўйларини ҳомийлар кўмагида ўтказиш режалаштирилгани ҳам Наврўзнинг ўзидек баёжо қадрият.

— Наврўз — яратиш, бунёдкорлик фасти, — дейди «Журен» маҳалла фуқаролар йигини раиси Фарҳоджон Машара-

пов. — Қишлоғимизда 4 та боғ бор эди. Бу йил яна учта боғ ташкил қилдик. Исмоилжон ака деган ажойиб боғбонимиз бор эди, шеърлар ҳам ёзарди. Унинг ўғли Хўрматжон ота касбинини давом эттириб, боғбонликни улуғлаштири, отаси руҳини шод қилаяпти.

— Бу байрамда ҳикмат кўп, болаларим, — дейди тўқсон уч баҳорни қаршилаган саётилик Саъдулла бобо Абдуллаев. — Одамларни бир-бирига яқинлаштиради, аҳилликни қарор топтиради, ўртадаги гина-қудуратлар унутилади. Одамлар бир-бирининг дийдорига ошиқади. Не топса, бирга баҳам кўрадилар, муҳтожларга ёрдам беришади. Қўнғимиз гина-қудур, араздан холи, ниғти-миз пок бўлса, ҳар кунимиз Наврўз бўлгани шу!


Абдулла САФОЕВ,
«Mahalla» муҳбири.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

«QURILISH INDUSTRIYA HAJMLI UY-JOY»

масъулияти чекланган жамияти бутун халқимизни янгилашни, бунёдкорлик меҳроқибат байрами — Наврӯзи олам билан самимий муборакбод этади.

Барча-барчага бахт-саодат, хурсандчилик, дастурхонларига тўкин-сочинлик тилайди! Тинчлик ва фаровонлик ҳамisha ёр бўлсин.



«QURILISH INDUSTRIYA HAJMLI UY-JOY»

“Mahalla” жавоб беради

ИСТЕЪМОЛЧИ ҚАНДАЙ ҲУҚУҚЛАРГА ЭГА?

Савол: Сифатсиз маҳсулотдан бир неча бор азият чекканим учун, сотиб олаётган нарсам ҳақида батафсил маълумот олишга ҳаракат қиламан. Лекин сотувчиларнинг аксарияти зарур маълумотларни беролмайди. Устига-устак яроқлилик муддатини ҳам аниқ билишмайди. Саволларимга қўполлик билан жавоб қайтарганилари ҳам топилади. Айтгинчи, бундай ҳолатларда истеъмолчи сифатида қандай ҳуқуқларга эгаман?

Ж.РАСУЛОВ
Фарғона шаҳри

Унинг тегишли даражада сифатли бўлиши;
— товар (иш, хизмат)нинг хавфсиз бўлиши;
— ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавфли нуқсон бўлган товар (иш, хизмат), шунингдек, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг қайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган моддий ва маънавий зарарнинг тўлиқ ҳажмида қопланиши;
— бузилган ҳуқуқлари ёки қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб судга, бошқа ваколатли давлат органларига мурожаат этиши;
— истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмасини тузиши.

Истеъмолчиларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлар тоифасига киритилган айрим гуруҳлари учун қонун ҳужжатлари билан савдо, маъшии хизмат ва хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари бўйича имтиёзлар ҳамда афзалликлар белгилаши мумкин.

Жавоб: “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасига кўра, истеъмолчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:
— товар (иш, хизмат) ҳақида, шунингдек, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш;
— товар (иш, хизмат)ни эркин танлаш ва

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ НЕЧА ЁШДАН ТУЗИЛАДИ?

Савол: Менинг кичик қорхонам бор. Яқинда 15 ёшли ўспирин оилавий шартнома тузди. Унинг ёши кичик бўлгани учун ишга қабул қилишга иккилашдим. Аслида, неча ёшли фуқаролар билан меҳнат шартномаси тузиш мумкин? Қандай ҳолатларда меҳнат шартномаси тузишга йўл қўйилмайди?

натиждан фойдаланиш тақиқланган касблар ва ишларга 18 ёшга тўлмаган шахслар билан;
— аёллар меҳнатида фойдаланиш тақиқланган касб ва ишларда хотин-қизлар билан;
— қонун ҳужжатларида кўра, ўриндошлик бўйича ишлаш тақиқланган лавозимлардаги шахслар ва ўзга шахслар билан ўриндошлик бўйича;
— суд ҳукмига асосан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган шахслар билан тегишли мансаб ёки касблар бўйича шартнома тузилмайди.

Жавоб: Ташкилот меҳнат шартномасини 16 ёшга тўлган шахслар билан тузиши мумкин. Алоҳида ҳолатда эса отаси ёки онаси ёхуд уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг ёзма розилишига кўра, 15 ёшга тўлган шахслар ҳам,

қўшидан бундай вақтларда ишлаш учун 14 ёшга тўлган шахслар ҳам ишга қабул қилиниши мумкин.
Қуйидаги ҳолатларда меҳнат шартномаси тузишга йўл қўйилмайди:
— вояга етмаганлар меҳ-

ТОЗАЛИККА РИОЯ ҚИЛИШ ШАРТ

Савол: Қўшим қорамол боқадим. Унинг яқин жойлашгани учун доим ҳовлимиздан қўланса ҳид келиб туради. Бир неча марта қўшимнинг олдига кириб, молларни бошқа жойга кўчиришни iltimos қилдим. У бунга қўлоқ солмади. Маҳалла оқсоқоли ҳам бу низои бартараф этолмапти. Мен қайси ташкилотга мурожаат қилишим мумкин?

Жавоб: Аввало, шунини айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексида фуқаролар ўзларига тегишли турар жойлардан бошқа фуқароларнинг манфаатларини бузган ҳолда

эгаллик қилишлари, фойдаланишлари ва тасарруф этишлари мумкинлиги белгилаб қўйилган. Фақат мулкдан фойдаланишда бошқа фуқароларнинг ҳуқуқига дахл қилмаслик лозим. Демак, қўшингиз ўз

мулкдан фойдаланиш орқали сизнинг ҳуқуқларингизни бузмоқда.
Ўзбекистон Республикасининг “Ветеринария тўғрисида”ги қонунда ҳам чорва ҳайвонлари сақланадиган бинолар ва бошқа иншоотларни, лозим бўлган ветеринария-санитария ҳолатида сақлашлари шартлиги кўрсатиб ўтилган. Шу сабабли қўшингиз ҳайвонлар сақланадиган жойини қураётганда бунини инобатга олиши лозим эди. Бу ҳолатда сиз фуқароларнинг судига мурожаат этишингиз мумкин.
Жавобни ҳуқуқшунос О.Дакимов тайёрлади.

Дунё аҳолиси 7 миллиард кишига етади

2012 йилда ер шарининг аҳолиси 7 миллиард кишига, 2050 йилга бориб бу кўрсаткич 9 миллиардга етади, дейилади БМТнинг яқинда эълон қилинган маълумотномасида.



БМТнинг ижтимоий ва иқтисодий масалалар департаменти экспертлари аҳолининг қайси давлатларда кўпайиши ёки қайси кутубда камайиши тўғрисида тадқиқот олиб боришган. Маълум бўлишича, аҳолининг ўсиши асо-

сан ривожланаётган давлатлар ҳисобига тўғри келади. Дунёнинг ривожланган давлатларида эса, аксинча, туғилиш борган сари камайиб бормоқда. Шунга қарамай, БМТ экспертлари аҳоли кўпайишининг бундай даражасини нор-

мал ҳолат деб баҳолашмоқда. Усиш суръати бир йилда 2,4 миллион кишини ташкил этади.

Статистик ҳисобларга кўра, 2008 йилда дунё аҳолиси 6,8 миллиард атрофида бўлган.

Тоуотанинг йўловчилар учун янги қулайлиги


Япониянинг Тоуота компанияси автоҳалокат вақтида йўловчиларнинг бир-биринга урилиб, жароҳат олмасликларини учун янги ускуна ихтиро қилди.



Мазкур ҳимоя воситаси ҳаво билан тўдирилмайдиган махсус ёстиқчалардан иборат бўлиб, у машина уриндиқлари орасига жойлаштирилади. Ҳимоя ёстиқчалари Тоуотанинг янги моделларидан бирида ўрнатилиши кўзда тутилган бўлиб, бундай машиналар маҳаллий бозорда сотилиши мўлжалланган. Компания илгарироқ автомобилнинг фавқулодда тўқнашув пайтида орқа ойнаси томонидан келадиган хавфдан йўловчилар бошини ҳимоя қиладиган восита ихтиро қилган эди.

Қанотсиз... самолёт

Белорусиянинг «Камертон» истиқболли технологиялар унитар қорхонаси енгил двигателли, қанот ўрнида қўйиқ, допрасифат мослама ўрнатилган самолёт лойиҳасини ихтиро қилди.



Экспертлар ушбу учиб аппаратининг бир неча қулайликлари борлигини таъкидлашмоқда. Масалан, оддий Ан-2 самолёти парвоз пайтида ён томондан эсанган 6 м/с тезликдаги шамолга ё парвоз курсини ўзгартириши, ёки парвозни умуман тўхтатишга тўғри келади. Ушбу самолёт эса, парвоз пайтида ён томондан эсанган шамолга ҳозирги мавжуд ҳаво кемаларига қараганда икки баравар чидамлироқ. Яна бир қулайлиги, ушбу самолёт жуда қисқа масофада ва унчалик текис бўлмаган майдонда қўниш имкониятига эга. Шу билан бирга, унинг ҳавога кўтарилиши, бурилиши учун ҳам кўп масофа талаб қилинмайди. «Камертон» томонидан тарқатилган хабарларга қараганда, келгусида самолётни қўниш ва Европа мамлакатларида намоён этиш учун ҳам пухта режалар тузилган. Айни кунларда янги самолёт синаб кўрилмақда.

Экологлар китлар овланишига қарши

Дунёнинг йигирма олтига экологик жамияти Японияда китларнинг йўқолиб бораётган турларини овлашни тўхтатиш ташаббуси билан чиқди.

Китларни овлаш халқро комиссияси томонидан Японияга фақат Тинч океанининг жанубий қисмидаги китлар кўриқхонасидан «китларни илмий ўрганиш мақсадларида овлашга» рухсат бериш таклифи билдирилган. Бироқ бу таклиф Япония ҳукумати томонидан

этиборсиз қолдирилган. Халқаро ташкилотларнинг тақиқлаганига қарамай, кейинги йилларда мазкур давлатда 11 мингдан ортиқ кит овланган ва иқтисодий манфаатлар йўлида фойдаланилган. Мамлакатда кит овлашни қисқартириш масаласи Китларни овлаш халқро комиссияси йиғилишининг кун тартибидagi долзарб масала бўлиб, барча бир овоздан Япония ҳукуматининг бу борадаги сиёсати ўзгариши керак, деган фикрда.



Китларни овлаш амалга оширилди.

Дунёдан дараклар

Энг зўр ресторанда... 400 киши заҳарланди

Яқинда Британиянинг энг машҳур «Семиз ўрдак» ресторанида заҳарланганлар сони 400 нафардан ортиб кетгани ҳақида хабар тарқалди.

Январь ойида бир неча киши ушбу ресторандаги овқатларнинг сифати ва маҳсулотларнинг муддати эски эканлиги, бундан кишилар соғлиғига турли даражада зарар етказилган ҳақида судга ариза билан мурожаат қилган эди. 2005 йилда Лондондаги энг яхши ресторан, деб эълон қилинган «Семиз ўрдак» жорий йилнинг март ойида ёпилган. Текширишлар натижасида ресторан ошхонасида тозалик ва гигиена қоидаларига амал қилинмаётганлиги аниқланган. Заҳарланганларнинг кўпчилиги денгиз моллюскасининг сифатли даражада пиширилмаганлиги ва гигиена тартибининг бузилиши бўйича даъво қилишган. «Семиз ўрдак» ресторани бугунги кунда ачинарли аҳволда бўлса-да, жабрланганлар тоvon олиш истагини воз кечишга тўғри йўқ.

Шаршарадан сакраб тирик қолди

Америка қитъасидаги энг йирик шаршара — Ниагарадан сакраган одам тирик қолди.

Ҳали исми-шарифи аниқланмаган бу эркак совуқ сувда 45 ҳақиқатдан сакраб қолган эди. Синови-сакровчи ўзига келганига қарамай, унинг боши ва танасининг баъзи жойлари жиддий лат егани хабар қилинмоқда.



Бундан ташқари, тананинг баъзи аъзоларига совуқ ҳам ўз таъсирини ўтказган. Қизиги шундаки, бу ерга келган саёҳатчилар баъзан шаршаранинг баъзи аъзоларини кузатиб ҳайратланишса, баъзан яна бир томоша — унинг чуққисидан сакраётган одамларни кўриш шарофига ҳам муяссар бўлишди. Афдий лат егани хабар қилинмоқда.

Энг семиз одамга махсус автомобиль

Дунёдаги энг оғир вазли одами — мексикалик Мануэл Урибе учун махсус автомобиль ясаб берилди.

Бу айван Мануэл Урибе учун 1989 йилда ишлаб чиқарилган Chevrolet Astrovan автомобилга бир қатор тузатиш ва ўзгартиришлар киритиш орқали амалга оширилди. Хусусан, машинанинг том қисми умуман олиб ташланди, ён ва орқа уриндиқлар ҳам кераксиз деб топилди. Мануэл рулга хотинини ўтказиб, ўзи орқа уриндиқда жойлашадиган бўлди. Урибени автомобилдан тушириш ва кўтариш учун унча катта бўлмаган кўтариш кранидан фойдаланилади. Мануэл Урибени «Меме» деб атагани боис янги машинага ҳам шундай ном беришди: «Меме-мобиль».

Мануэл Урибе 2006 йилда ер юзидagi энг оғир вазли кишини сифатида «Гинеснинг рекордлар китоби»га киритилган. Уша пайтда унинг оғирлиги 560 килограммни ташкил этарди. Сунти дамларда у 250 килограмм ваз ташлашга эришти. Меме рафиқаси билан ушбу машинада денгиз бўйига боришни режалаштирмоқда.



сарияти ўлим билан якун топади. Сунти мартта 2003 йил 20 октябрда, Мичиган штатида яшовчи Керк Жонс Ниагарадан тирик чиққан эди. Сакраш сабаблари эса ҳанузгача номаълум бўлиб қолмоқда.

Баландлиги 53 метрни ташкил этган шаршара «Тақа», «Америка шаршараси» ва «Тўй куйлаги» номлари билан ҳам машҳур.

ШУКУХ

Тинч ва обод Ватанга ярашар байрам



[1] >
Файзли кунларда кишилар бир-бири билан тинч-тову бўлиб, яқинларига қалб кўрларини бағишлаб яшашга, кексаларнинг дуоларини олишга интилишади. Гинакудуратлар унутилмаган кунда эски хатолар кечирилиб, ёруғ кунларга умид ва ишонч билан қаралади.

Наврўзининг халқ сайили кўринишида ўтказилиши замирида жойларда фақат тантаналарни, базмларни уюштириш эмас, балки ҳар бир маҳалла, гузар, хонадонда ободончилик ишларини амалга оширишдек эзгу истак мужассам. Наврўзлик, умуман, баҳорда тез-тез уюш-

тириладиган умумхалқ ҳашарида юрт узра ободончилик ишлари авж олиши ҳам анъанага айланган. Бу бежиз эмас, албатта. Тасаввур қилинг, ўзингиз истиқомат қилаётган маскан ҳашар орқали гўзал қиёфа касб этса-ю, бошқа маҳаллада ҳамма ўз иши билан оввора бўлса. Саранжом-сарихталиқда катта ҳикмат бор, келинлар, кўнглимизни, кўчамизни обод қилайлик, деб ташаббус кўрсатилмаса, эзгулик хусусида биров бош қотирмас, қандай ҳолат юзга келади? Бугун бир маҳаллага бориб, у ердаги ўзгаришларни, янгиланишларни кўриб, дилингиз завқланса-ю, бошқа бир маҳалладаги кўнглини

бироз нохуш қилувчи ҳолатга кўзингиз тушганда, албатта, ранжийсиз. Шунинг учун ҳам умумхалқ байрами шарофати боис жамоатчиликни ободонлаштириш ишларига жалб этишда ҳикмат кўп. Наврўз арафасида бундай са-

муҳофазага муҳтож қатламга гамхўрлик кўрсатишгача савоб ишга айланган. Бундай юксак халқларварлик ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат, урф-одатларимизга садоқат туйғуларининг шаклланишида ўзига хос омил

бўлади ва фароғатда яшайди. Зеро, шу кутлуг кунда ёшлар ўзининг улғайганини, кексалар баҳорий онларини яна бир бор ҳис этдилар. Наврўзи олам бошланган кунларда тайёрланадиган сумалакнинг аҳамияти беқиёс. Тарихий маълумотларга кўра, бундан қарийб уч минг йил бурун Марказий Осиё аҳолиси сумалакни тайёрлаган. Бу хосиятга неъмат таомномаси халқ гидроки билан юзгага келган десак, тўғри бўлади.

Ҳа, Наврўзининг орамиздаги меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, маҳалларда, қишлоқларимизда ободончилик ишларининг авж олишидаги таъсирини ҳеч бир мезон билан ўлчаб бўлмайди. Шунингдек, Наврўз арафасидаги эзгу ўзгаришлар боиси оёсийишларимиз туйғайли эканлигини бир зум бўйсун ултмаслигимиз керак. Юртимиз тинчлиги, фарзандларимизнинг саломатлиги боис байрамларимизни хушу хондонлик билан қаршилаёймиш. Бундай шоду хуррамликнинг диллардан дилларга кўчаётгани эса янада фарахлидир. Байрам шукуҳи йил бўйи барчамизнинг қалбимизни тарқ эмтисин.

Дилбар МАҲМУДОВА

Анъана

МИЛЛИЙ ҲАЁТ ҲАЁТИ НАФАСИ

Аждодларимиз азал-азалдан турли миллий ўйинлари орқали орзу-умидларини, эътиқодларини ифодалаб келишган. Фольклор тадқиқотчиларининг эътирофича, баҳор фаслида ўйналадиган барча ўйинлар замирида ўзига хос мазмун-моҳият мужассам.



Истиқлолнинг илк кунлариданоқ Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда халқ ўйинлари ва урф-одатларини, анъаналарини сақлаб қолишга ва тақомиллаштиришга катта эътибор қаратилди. Пойтахтимизда ўтказилган Наврўз тантаналарида, бошқа маросимларда Ҳўрозлар жанги, «Оқ теракми, кўк терак?», Арқон тортиш, Чиллак ўйини сингари миллий ўйинларимиз ижро этила бошланди.

Юртимизда Наврўз қадимдан катта шодоналар билан кутиб олинган. Уша кун Фаргона vodiysi ва Тошкент воҳисида дорбозлар ўзларининг санъатларини намойиш этишса, эркаклар даврасида аскиябозлик авжига чиққан. Самарқанднинг қир-дирларида истиқомат қиладиган чорвадор аҳоли ўзининг турмуш тарзига мос ўйинларни ташкил этганлар. Нурота тоғ тизмалари бағрида яшайдиган қишлоқларда Кўпарки, Чўпон таёқ, Лақак, Эшак минди сингари ўйинлар ўйналган, кексалар уларнинг ҳаракатларига баҳо бериб, голибларни рағбатлантирган.

Шаҳар ва қишлоқларда одамлар бир-бириникига меҳмондорчиликка боришса, болалар ва ёш йигитлар кенг майдонда Қўлоқ чўма, Оқ суяк, Тош улуктириш, Кураш каби жисмонан ва ақдан чиниқтирувчи ўйинларни ўйнашган. Ўз ўрнида қиз-жувонлар ҳам миллий ўйинлардан баҳра олишган. Улар Беш тош, Тўққиз тош,

Чувара қайнайди сингари ўйинлар билан шуғулланиб, унга мос қўшиқлар ижро этишган. Сайида қиз болалар ўйнаган қадимий ўйинлардан бири ёш оилаларда тугилган болалар кийимларида сумалак майсаси тақиб ўйиндир. Бу ўйиннинг шарти шундаки, сумалак учун унган буғдой майсасини келида янчаётган қизлар янчилган майса суюқлигини қозонга солиш жараёнида янгалар ордидан эргашиб келган ва энди атак-чекач қилаётган гўдаклар кийимларига майсадан бир тута олиб гўдакка сифатида тақиб қўйишган. Кичкинтойнинг ота-онаси эса қизларга дарҳол улар яхши кўрадиган ширинликларни совға қилишган. Бу байрам ҳазили руҳидиги тортиқларни сумалакка келган онахону опахонлар болаларга яхши тилаклар тилашиб тановулл этишган.

Наврўз ўйинларининг энг қадимгиси варрак ўйинидир. Варрак Шарқда муқаддас ўйин саналган. Ҳозирги пайтда ҳам баҳор келиши биланоқ болажонларимиз дил билан чиройли варраклар ясашиб, ҳавога учиртишди. Варракнинг узоқ масофага учатгани ва ундан қандай овоз чиқётганини баҳолаш учун капта ёшлагилар ўйинни кузатиб туришади. Варракни қай даражада баландроқ кўтарилиши учирувчининг маҳоратидан далоят берган. Бу қизиқари ўйинга каптаю кичик алоҳида эътибор билан қараган.

Байрам ўйинлари қандай

шакл ва кўринишида бўлмасин, уларнинг асл моҳиятида кичкинтойларнинг катталар турмуш тарзига тақлид ва ҳаваслари ётган. Бундай ўйинлар байрам иштирокчиларида кўтаринки кайфият уйғотиб, ўсиб келаётган йигит-қизларда қобилиятини кўрсатишга, ўзидан кичик болаларга ибрат намунаси бўлиб, анъанани давом эттириш учун имконият яратган. Байрам кунлари болалар ўзларидида чаққонлик, сезирлик ва кучлилик каби қобилиятларини намойиш этишдан ташқари, сўзамоллик, ижодий топқирлик фазилатларини ҳам кўпчилик олдидан синовдан ўтказишган. Яъни йигит-қизлар топшмоқ ва мақол, баҳру байт, тез айтиш, қўшиқ куйлаш, рақс тушиш каби қобилиятларини кўрсатуви ўйинлар ўйнаганлар.

Умуман, Шарқда Наврўзга фақатгина маданий-маърифий байрам сифатида эмас, балки кўпчиликнинг кўнглини қувонтириб, ақлини ҳайратга соладиган мўъжиза қўлақ ўйинлари ижро этиладиган пайт, шу билан бирга ўзига хос муҳим қадрият сифатида қаралган. Шундай экан, халқ ўйинлари маданиятимизнинг бетакор маънавий бойлиги сифатида кейинги аждодларимиз тақдирда ҳам муносиб роль ўйнайди. Шунинг учун уларни бор жозоба ва таровати билан келгуси авлодларга сақлаб қолиш аждодлар олдиди фарзимиз ва бурчимиздир.

Д.МАҲДИЕВА

Мулоҳаза

ОҚСОҚОЛНИНГ ОҚИЛОНА ТАДБИРИ

Ўтган йили бир маҳаллада ўтказилган тадбирда қатнашдим. Ош дамланиб, қариялар олдига дастурхон ёзилди. Шу баҳона иккита болаканинг суннат тўйи ҳам ўтказилди. Лекин тадбирдаги бир воқеа сал таъбиمنى хира қилди: хонанда турли маъносиз, мазмунсиз қўшиқларни куйлади.

Тадбирдан қайтаётиб ўйларим: аслида, бундай йиғинларда Ватан, меҳр-оқибат, одамгарчилик ҳақидаги қўшиқлар айтилиши керак эмасми? Бундай қўшиқларга олим фозилларимизнинг Истиқлол, Наврўз, юрта муҳаббат ҳақидаги матрузалари уланса янаям яхши-ку.

Ватанга меҳру садоқат туйғулари инсон онгига сут билан кирди, тарбия воситасида парваришланади. Истиқлол гоёсини бир кунда ёки битта матруза билан тушунтириб бўлмайди. Уни ёшлар онгига синглириш учун ҳар бир тадбирдан, ҳар бир имкониятдан оқилона фойдаланиш керак. Бу ишга эса, маҳалла оқсоқо-

лэй жамлик чўқсан.
— Шу хонадонда қўлингиздан Ватан, меҳр-оқибат, одамгарчилик ҳақидаги қўшиқлар айтилиши керак эмасми? Бундай қўшиқларга олим фозилларимизнинг Истиқлол, Наврўз, юрта муҳаббат ҳақидаги матрузалари уланса янаям яхши-ку.

Ватанга меҳру садоқат туйғулари инсон онгига сут билан кирди, тарбия воситасида парваришланади. Истиқлол гоёсини бир кунда ёки битта матруза билан тушунтириб бўлмайди. Уни ёшлар онгига синглириш учун ҳар бир тадбирдан, ҳар бир имкониятдан оқилона фойдаланиш керак. Бу ишга эса, маҳалла оқсоқо-

— Фарзандингиз шу оилада томир ёзибди. Бўлмаса ошхонага югуриб кетмасди. Мурсага келтирмасаларинг қизингиз бахтсиз бўлиб қолади.

ли бош-қош бўлиши лозим. Маҳалла ҳам, аслида катта оила. Оиланинг бошлиғи — оқсоқолга эса, кўп нарса боғлиқ. Оқсоқоллар маҳаллалар фаровонлиги ва тинчлиги учун масъуллар. Маҳалла аҳлининг кайфиятини, оилаларнинг аҳиллигини кўп жиҳатдан уларнинг фаол сай-ҳаракати белгилайди. Бир қишлоқ фуқаролар йиғини оқсоқолни билламан. Унинг энди яшамайман, ажрашман, деб тўғри тескари куйиб олган эру хотинларни ҳам яраштириб юборганига ўзим туюб бўлганман.

Бир кун оқсоқолнинг хонасида ўтирганлик, ёши элликлардан ошиб қолган одам кириб келди-да, оқсоқолга деди:

— Раис бува, укамнинг қизи қайнотасиникидан аразлаб келганига анча бўлди. Кўп киши ўртага тушиб кўрди, лекин иш чиқмади. Назаримда энди яраштириб бўлмайди. Фиш қолидан кўчган. Энди сиз бирга бориб кўчаларни ажратинга ёрдам берсангиз.

Оқсоқол биган қизни, опа-онасини олиб кўчанинг уйига бордик. Дарвоза олдига бизни кўёв, унинг опа-онаси кўпиди олди. Улга ноку-

олямапти.
— Уларни мен яраштираман. Сен келин билан гапласан. Агар шу бутун олиб келмасанг, қайтиб бу ерга қалам босмайди.
— Мен нима қилай?
— Келин билан бориб ўлингини олиб кел.
Уша кун икки оила ярашди. Ҳозир ўша келин-кўвнинг утга фарзанди бор.

Ҳар бир маҳаллада ана шундай тадбирли, вазиятни тўғри баҳолай оладиганлар оқсоқол бўлиши керак.

Бир танишимиз маҳалладан ёрдам пули олибди-ю, оқсоқолга «рахмат» айтишни эсдан чиқарибди. Бир жойга ошга борса, маҳалла раиси:

— Сизни бу ерга ким чакирди? — деб уни хижолатта қўйибди.

Оқсоқолнинг иши фақат ёз тарқатишу ёрдам пулига имзо чекиш эмас. Фуқаролар йиғинининг раиси ҳар бир хонадон нафас олаётган ҳаводан бохабар бўлиши, адашганларни тўғри йўлга сола билиши керак. Чунки улар эл хизматидаги одамлардир.

Абдурахмон ЖУРА

Наврўз мадҳи

НАВРЎЗ

Тиниқ кўк юзиде сузиди булут, Офтоб эркалайди заминни аста. Дилда ўз-ўзидан гиналар куйган, Ниш берар тупроқдан майса бир насад.

Табият маст гўё майса бўйига, Ҳатто ёшармоқда кекса тол букир. Дов-дарақат тебранар қушлар куйига, Наврўзим, севинчим, боринга шукур.

Осмон ҳам она ер билан қувнашиб, Гоҳида ёмғирни қуяр челақлаб. Одамлар ёмғирлўш кийсалар шошиб, Самода кулади офтоб чарақлаб.

Наврўзим, хуш келдинг, бизнинг диёрга, Айланай, хуш эсан саболарингдан, Эй, ризқин қилувчи тагин зиёда, Митти гиёҳингдан — фидоларингдан.
Юлдуз ҲОЖИЕВА



БАҲОР СОҒИНАЧИ

Баҳор!
Секин ҳаёт унади ердан. Яйраб гўзалликни соғинган дилим. Дунёни қутқарган буюк сеҳрдан, Узаяди энди менинг ҳам умрим.

Дарахтар қувониб, гуллаб юборди, Илоҳий наслининг нафасларидан. Қурту кумурсқалар гимирлаб қолди, Жонзодлар чиқди ин, қафасларидан.

Борлиққа сингади малҳамдай бўлиб, Ёмғир — обираҳмат ёрқан, осмон Яйради тириклик ёрлигини олим, Хар битта заррага битар экан жон.

Яшмоқ завқини туйди дунё, Тирига бошлади, ҳаттоки тупроқ. Гуллардан безанар дашглару сахро, Тоғу тошларда ҳам сезилар титроқ.

Қўм-қўк, кенг осмонга қушлар сиймайди Куйлашин эшитиб, кўнгли бўлар шод. Баҳорни бир марта кўрган англайди, Қандай мўъжизадир, мўъжиза — ҳаёт!
Мамзур Бозор АЛИ

Дунё мамлакатларида баҳор байрамлари

Баҳор байрамлари кишилар қалбида қувонч ва шодлик туйғуларини уйғотди. Дунёнинг барча мамлакатларида баҳорнинг кириб келиши турлича анъаналар билан уйғуллашиб кетади. Ушбу мавсумдаги хурсандчилик ва тантаналар янги йилни кутиб олиш байрамидан кам бўлмайди. Бинобарин, кўпгина мамлакатларда янги йил айнан баҳорда кириб келади, деб ҳисобланади.

Болгария, Молдова ва Руминияда 1 март — баҳорнинг илк кунини сифатида нишонланади. 2 март — Англиянинг айрим ўлкаларида оналар кунини (Оналар кунини Буюк Британия бўйлаб 26 мартда катта байрам қилинади), Францияда эса Бувилар кунини деб белгилаган.

3 март — дунёнинг кўпгина мамлакатларида Масленница ҳафталигининг илк кунини ҳисобланади. Ушбу байрам Халқаро хотин-қизлар кунига уланиб кетади.

Кўпгина халқларнинг баҳор байрамлари орасида диний маросим кўринишидаги тантаналар ҳам учраб туради. Масалан, 9 март кунини Хитойда Аждар байрами нишонланади, Россия ва Болгарияда Афв кунини бўлиб ўтади. Шу кунда кишилар

бир-бирларидан кечирим сўрашади, черковларда жамоаларни шу мақсадда чорловчи матрузалар ўқилади.

21 март — аксарият шарқ мамлакатларида янги йил сифатида байрам қилинади. Кўпгина халқларда ушбу кун йўғонини, янгиланиш байрами сифатида кенг нишонланади, ерга уруғ қалади, эзгу тилаклар қилинади. Ушбу кун кўпгина мамлакатлар халқларининг миллий байрамига ҳам айланиб кетган.

Апрелнинг биринчи кунини бутун дунёда Ҳазил кунини сифатида нишонланишидан хабарингиз бор. Аммо 8 мартдан ташқари, Буюк Британияда 17 апрелда ҳам Қизлар кунини байрам қилинишини биласизми?

11 май кунини дунёнинг 15 та мамлакатиде оналар байрами нишонланади, 15 май эса бутун дунёда Оила кунини ҳисобланади.

Японияда баҳор сакура дарахти гуллаган кундан бошлаб кириб келган ҳисобланади. Мамлакат аҳли Хиган байрами бўлган тенгкунлик (кун билан тунинг тенглашуви)ни орзиқиб кутишади. Тенгкунликнинг қайси кунда нишонланиши баъзан ўзгариб туриши мумкин. Ушбу тантана мамлакатда айна

Футбол

Чемпионат Австралияда ўтади?

Австралия футбол бўйича бир йўла иккита нуфузли мусобақани — 2015 йили Осиё кубоги ҳамда 2018 йили 2022 йиллардаги жаҳон чемпионатини ўз ҳудудиде ўтказишга даъвогарлик қилмоқда.

Осиё футбол конфедерацияси раҳбариятининг таъкидлашича, қитъа кубоги мусобақаларини ўтказишга Австралия ҳозирча ягона даъвогар. Айни пайтда бу мамлакатда ана шу мусобақаларни ўтказиш учун имкониятлар етарли.

Жаҳон чемпионатида мезбонлик масаласида рақобат кучли. Мундиални ўзида қабул қилишга яшил қитъа вакилларида ташқари Япония, Индонезия, АКШ, Мексика, Англия, Россия, Бельгия, Голландия, Португалия ва Испания каби мамлакатлар ҳам кураш олиб боришапти.

2018 йилги жаҳон чемпионати ўйинлари қайси мамлакатда ўтиши 2010 йили декабрь ойида маълум бўлади.

Футбол бўйича 2010 йилги жаҳон чемпионати саралаш босқичининг навбатдаги турда Тошкентга таширф буорадиган Қатар миллий терма жамоаси иккита назорат учрашувини ўтказди.

Ҳал қилувчи тур олдидан

Биринчи учрашув 15 март кунини Қатар пойтахти Доҳада эронликларга қарши бўлиб ўтди. Иккинчи учрашув эса, кеча кечкурун Қувайт термаси жамоасига қарши кечди.

28 март кунини пойтахтимизда бўлиб ўтадиган учрашув мамлакатимиз терма жамоаси учун ҳам, қатарликлар учун ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Терма жамоамиз мағлубиятга учраса ЖЧ — 2010 учун баҳсларни амалий жиҳатдан тўхтатади. Ўз майдониде Баҳрайндан мағлубиятга учраган Миржалол Қосимов шогирдлари энди фақат гуруҳда 3 ўрин учун кураш олиб бормоқда.

Эслатиб ўтаимиз, навбатдаги тур олдидан Қатар 4 очкога, Ўзбекистон эса бир очкога эга.

Ҳасан САЛОМОВ



кўп учрайди, ҳатто баъзи кунлар халқларнинг бир-бирдан фарқ қиладиган бир неча байрамлари ёки халқаро ташкилотлар томониде белгилаган саналарга тўғри келади. Айниқса, Европа мамлакатларида баҳор ойларида фестиваллар, спорт ўйинлари, турли маррафонлар, танлов ва шоулар ўтказилиши одатта айланган.

Хулоса қилиб айтганда, баҳор ойдаги байрамлар бир-бирдан фарқланса-да, уларнинг замирида эзгулик ва яшариш фазилатлари мужассамдир.

Муҳайё ҚИЛИЧЕВА тайёрлади

Mahalla хафталик газета

Муассис: Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОВ

Телефонлар:
236-53-93 236-53-75,
236-57-62
Факс: — 233-44-25

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида
2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмаҳонасида босилди.
Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32-уй

Нашр кўрсаткичи: 148

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 2 бошма тобоқ.
Баҳоси қилинидиган нархда

Навбатчи муҳаррир:
Беклук Эгамқулов
Навбатчи:
Ўктам Худойкулов
Мусаҳҳих:
Абдор Ярматов
Саҳифаловчи:
Фаррух Расулов